

• "СИЗ ОНА ЭМАССИЗ"



Аёл гапиратганда ҳам кўзларидан тинмай еш оқар, аммо бу кўз ешлар энди дарё бўлсада кўнгишлардаги ғуборни юва олмасди.

УШБУ СОНДА:

4-БЕТ

• МЕЪРОЖ АДАБИ

Омин қилаётганда қўллар қандай ҳолатда туриши керак?

Барча футбол ишқибозларияу "менман" деган нозанинлар бу кун юракларига ҳовучлаб сув секиб олдилар. Негаки, ҳаммининг суйгани — Азамат Абдураимов хуллас уйланди.

Билла



عائلة وجميعة

1994 йил. Сентябрь

Асслимат

37

сон

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •

Болалар дунёси

ЎФИРЛАНГАН ОТ

(АРАБ ХАЛҚ ЭРТАГИ)

Отлиқ бир одам йўлда бошқа бир отлиқ билан учрашиб қолди. Унинг оти чўққаниб қолган эди. Салом-алиқдан сўнг кейинги отлиқ биринчи отлиққа муурожаат қилди:

— Э, биродар, ишим зарур эди, отингни менга бер.

— Нега берарканман, менинг ишим сеникидан кам эмас, — деб жавоб қилди биринчи отлиқ.

Шундан кейин иккинчи отлиқ қилич ўқталди ва зўрлик билан унинг отини олиб кўйди. Отини олдириб қўйган одам уни эртаси кун тасодифан бозорда учратиб қолди ва ёқасидан тугтиб қозининг ҳузурига олиб борди.

— Ҳақиқатан ҳам от сеникими? — деб сўради қози зўравондан.

— Ҳа, меники, — деди у тап тортмай, — тойноқлигидан тарбия қилганман, агар ёлгон сўзлаган бўлсам ҳар нима бўлай.

Жабрдийда чидаб туролмади-да, яктагини шартта ечиб отнинг бошига ёпди ва қўлини шоп қилиб деди:

— Агар от ҳақиқатан ҳам сеники бўлса, унда айт-чи, унинг қайси кўзига оқ тушган?

— Унг кўзида оқи бор, — деб жавоб берди зўравон.

Жабрдийда отнинг бошидан ёпиқни олди. Қарасалар отнинг иккала кўзи ҳам соппа-соғ экан.



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

Адаб

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИТЛАРИ

Емонларга марҳамат ва яхшилик яхшиларга зарар ва алам келтиради. Мушукни сийлаш — кабутарга офатдир. Шоғ олга ен босмоқ — товуқ тухумини қурутмоқдир...

Илм ўқиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб уруғ экмаганга еки уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаганда ўхшар...

Оз демоқ ҳикматга боис, оз емоқ соғлиққа сабаб. Оғзиға келганни демоқ нодон иши ва олдиға келганни емоқ ҳайвон иши...

Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб даре бўлур.

Нафсига берилган кишидан ҳунар келмас — емакдан ўзга, шахспараст кишидан фойда етмас — демакдан ўзга. Бири ҳаром овқатдан ором олар, бири ўз мақтови сўзидан роҳатланар...

Ақлли кишилар хатосидан огоҳланади, тўғри йўлга тушиб олади. Буни у ўз хатосидан бошқлар огоҳланишидан ва айбини юзига солишдан бурун қилади.

Фосиқ ҳамма миллатда нодондир, покизалар орасида эса яна ҳам нодонроқ... Қайси эл билан ер бўлсанг ўзингни ўша хилда тут, қандай бўлсанг ўзингни ушундай кўргиз...

Ўқитувчи:

— Ҳой бола, бир ўзинг шунча хато қилгани уялмайсанми?

— Бир ўзим эмас, дадам билан бирга езганман.

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Таркибида суг бор бешта нарсани айт.

— Сарғ, пишлоқ ва учта сиғир.

Тоққа кўтарилган ота нафасини ростлаб олиб, ўглига деди:

— Куйига қара, қандай гўзал манзара, ажойиб дара, жозибадор дарё...

— Дада, ҳамма гўзаллик наstdа қолган бўлса, нима учун уч соат нафасимиз тикилиб

ХАНДАЛАР

юқорига чиқдик?

Ота ўглидан:

— Менда ўнга

олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади? — деб сўради.

— Билмайман, — деди ўгли. — Биз мактабда масалани апелсинда ечамиз.

Бола биринчи синфга ўқишга борибди.

— Отинг нима? — деб сўрабди ўқитувчи.

Боладан садо чиқмабди.

— Ойинг, тушлик овқатни келтириб қўйгач, сени нима деб қақиради?

— Чақирмайди. Бунақа вақтда мен доимо стол ёнида ўтирган бўламан.

О. ШАРАФИДДИНОВ тўплаган

МАККОРНИНГ ТУШИ

(Озарбайжон халқ эртаги)

Бир кун маккор бир одам қозихонага келиб кўшнисининг устидан шикоят қилди:

— Тушимда у мендан қарздор бўлиб қолибди, тўла десам кўнмаётгивди. Ёрдам беринг у бадбахт қарзини тўласин.

Қози хиёл ўйлаб қолди, сўнг деди:

— Сен ҳақсан, лекин қарз тушда содир бўлган экан, яна бир туш кўрганнингда ундириб олавер.

«Оила ва жамият» 37 [160]

Бир кун

“СИЗ ОНА ЭМАССИЗ”

Автобусдан тушган еш келинчақ енидаги аёлга негадир бакириб гапирар, юм-юм йиллари. Анча жаҳли чиккан шекилли, келинчақ айтарини айтди-ю орқасига қарамасдан жўнади-кетди. Аёл олдин унинг ортидан узок қараб турди, кейин боши айланди чоғи қўллари билан бошини чангаллаганча ўтиришга жой излади. Бекатда мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Ичимда беадаб келинни койганча ерданга шошилдим.

— Келинг, ўтириг, — дея аёлни тахта ўриндикка бошладим. Унинг бутун аъзойитани титраганча ўксиб-ўксиб йиллар, ха деганда ўзини тут олмас, ҳеч нарса деелмасди. Мен уни юпатмоқчи, кўнглига таскин бермоқчи бўлдим.

— Кўйверинг, хафа бўлманг. Бир беадабнинг билиб-билмай айтган гапига бунча сиқилишингиз арзимайди.

Аёл овуниги ўрнига энди ўз сочларини чангаллаб тортар, ҳамма нарсани унутиб, хўнграб йилларди. Мен ҳеч нарсага ҳожат йўқлигини тушуниб, ўзини бошиб олгунча жим қутиб турдим. Кўп ўтмай аёл тивчиди, кўзешларини рўмолининг четига артганча менга юзланди.

— Кеңирасиз, ука. Сизни ҳам анча овора қилдим.

Айни пайтда у ичидегисини кимгадир айтиб олмаса бу дардини кўтариб юра олмаслигини сезиб қолдим.

— Уша, сиз айтган беодоб келин менинг дизим бўлади. Билмадим, нима десангиз денгу, аммо, у ҳозир минг марта тўғри гапирди.

Барча ҳаётларимни энди тушундим. Ўз қизимга қайнота-қайнонангни хурмат қил, эрингни хурматини жойига қўй дейиш ўрнига, хай йўл билан бўлмасин оилада ўз гапингни ўтказ, эрингни ҳозирданок қўлга ол, деб ўргатибман. Менинг ўғитларим таъсирида қизим дасталабки ойларданок жанжал бошлади. Олдин эрини, кейин ака-укаларини ҳақоратлаб бир неча марта уйга келди. Ҳар сафар обрўли одамлар ўртага тушиб уни қайтариб олиб кетишарди. Мен бўлсам яхши бўл, дея насихат қилиш ўрнига... Кўзимга фақат қизим кўриниб, қувев ҳам бировнинг фарзанди, кўзининг оку қораси эканлигини ўйламабман.

Хуллас, кизим ўт-олов бўлиб қайнота-қайнонаси билан ҳам айтишиб уйга қайтиб келди.

Адашмасам бу олтинчи марта қайтиб келиши эди. Мен унга ўйланма, кўп ўтмай ялиниб келишади, деб туриб олдим. Аммо ўн беш кун, бир ой ўтди ҳамки ҳеч ким сўраб келмади. Мен арининг инини кўзгаб қўйиб деган ниятда қизимга ажрашиш ҳақида судга ариза бердирдим. Масала биз ўйлаганча бўлиб чиқмади. Суд ажрим чиқариб берди. Ўртада овора бўлган қизим сиқилавергач, ҳали дунени кўрмаган гўдак ҳам нобуд бўлди. Шунча гуноҳларим устига гўдакнинг уводи ҳам қўшиди. Бугун қизим “Сизни она дегани уяламан! Сиз она эмассиз!” деди. Бугунга қадар тушунмаган нарсаларимни биргина шу гап ифодалаб бера олди. Ха, айтгандай, бугун қувев яна ўйланаётганимиз. Чунки яхши одам барибир бахтли яшашга ҳақли.

Аёл гапирарганда ҳам кўзларидан тинмай еш оқар, аммо бу кўз ешлар энди даре бўлса-да кўнгилардаги губорни юва олмасди.

Б. ШЕРМАТОВ,
ўқитувчи
Сирдарё вилояти

Етти кун

ПУЛ ВА ПАХТА

Самарқанд вилояти далаларида пахта терими баравж бормоқда. Яқинда иштихонлик теримчи аёлларнинг айримлари беш кунлик меҳнати эвазига 150 (бир юз эллик) сўм атрофида ҳақ олишди. Бизга хабар беришларича, бошқа вазибаларда ишлайдиган эрлар ҳам ўзларини пахта теримига “уриб” кетишаётганимиш.

БОЗОРИ ЮРИШМАДИ

Пойтахт олийгоҳларида ўқийдиган икки толиб йигит бир оз пул ишлаш илжиди, ўзларининг таъбирлари билан йўл олишди. Бир жаноб улар билан савдолашиб, шаҳар чеккасидаги ҳовлисига бошлаб борди. Аммо, у кўрсатган юмушни кўриб пул иштиқандларининг пешонаси тиришди. Ва бойвачча акаимиздан шаҳарга қайтариб олиб бориб қўйишни талаб қилишди.

Алқисса, йигитчалар бор пулиниям “бензин ҳаққи” учун тўлаб, ётоқхонага равона бўлишди.

“ЎЗИМНИНГ ЖАЙДАРИ НОНИМ...”

Олтинсой туманининг тоғли Чинор қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқонлар ўтган йилнинг кузида белкуррак, кетмон, хаскаси олиб бола-чақалари билан фойдаланилмай ётган ерларга, қир ва сойликларга ғалла эккан эдилар. Ёғингарчилик мўл бўлиб, ғалла серҳосил бўлди. Бу йилги “жўжа санар” вақтида маълум бўлдики, тиниб-тичишмас Чори Норқобилов деган деҳқон акаимиз икки ярим тўнна, Абдалим Дўборов эса бир ярим тўнна бугдой ертиштирибди. Чинорликларнинг таъкидлашича, меҳнатнинг нони беҳиннат ва ширин бўлар экан.

УЛОҚ ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВДА КЕТДИ

Сурхондарё вилоят касаба уюмлари кенгаши томонидан таъсис этилган Адиб Собир Термизий мукофоти мамлакатнинг пешқадам ижодкорларида йилда бир марта берилди. Яқинда қизғин муҳокама ва мунозаралардан сўнг адиб Шукр Холмирзаев шу мукофотнинг совриндори бўлди.

КЕНГАШ ҚИЗЛАР БИЛАН ҚИЗИҚМОҚДА

Шаҳрисабз шаҳар хотин-қизлар кенгаши мактабларга, ўқув юртларига “юриш” бошлади. Кенгаш аъзолари ўқув йили бошланиши биланок ўқувчи ва толиба қизлар ўртасида кўплаб учрашувлар ўтказди ва ўтказмоқда.

Айтишларича, шу вақтга қадар асосан хотинлар муаммолари билан шугулланган кенгаш аъзолари “бўй етган” қизларнинг кийиниши, одоб-ахлоқи, муомала маданияти ва ўқушига алоҳида эътибор билан қараётган эмиш.

ЯШИЛ ШАҲАРДАН ЯНА БИР ХАБАР

Шаҳрисабз шаҳрида янги қуриб битказилган 24 хонадонли уйнинг 16 таси шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, шароити оғир, ночор, шунингдек кўп болали оилаларга бепул берилди.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА
ТАЙЕРЛАНДИ

ПАХТА ТЕРАЁТГАН ЙИГИТ КИМ?

Хурматли газетхон ушбу суратга зимдан эътибор беринг, ўйланг, қисланг, таниб олинг. Унинг исми-фамилиясини ҳамда ҳозир қайси вазифада ишлашини аниқлай олсангиз жавобингизни таҳририятимизга юборинг. Шартимизни тўппа-тўғри бажарсангиз “Оила ва жамият”нинг кейинги сонларидан бирида сиз учун ҳам апоҳида жой ажратамиз.

Эслатма: Ушбу сурат 1959 йилда Жиззах вилояти далаларида олинган. Бу кишини деярли мамлакатимиздаги ешу қари, катта-кичик жуда яхши танийди. Қўша-қўша увонлари, фарзанд ва набиралари бор. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Сочлари оқарган, лекин тўкилмаган. Камтарин ва мард инсон. Ичмайди., чекмайди. Ҳамиша пиёда ўради. [Таҳририят ушбу суратдаги кишининг яқин ошналари ҳамда қариндош-ўруғлари томонидан жўнатилган жавоб ва кўрсатмаларни ҳисобга олмайди].



УСТАНИНГ ҒАЛАТИ ИРИМИ

Қишлоқда, ҳар бир эр йигитнинг бошида уйланиш, уй қуриш ташвиши бўлади, деган гап бор. Шунинг учун қишлоқ одамлари бу сингари ташвишларини еққала елка олишиб, баҳам кўришади. Яъни бу нарса ўзбекка хос бўлган ҳашар йўли билан амалга оширилади. Қизғин шундаки, қишлоқликларнинг характерири рўҳиятини чапани фалсафасини ҳам ўша ҳашар довомида билиб олишингиз мумкин.

Бир кунни уйдагиларни соғиниб қишляққа борувдим. Буни қаранеки, ўша кунни бир танишимиз ҳашарга чақирибди. “Еш келаринга, қари келар оиға” деганларидай енг шимариб кўмакка йўл олдим. Роса терлаб-

пишиб ишлаб, дам олишга ўтиреанда ғалати бир нарсага кўзим тушди. Уйнинг ҳар бир хонаси томига бир текисда жуфт болорлар қўйилган. Диққатимни тортган нарса эса бачкана қилиб қўйилган қўшимча болор эди. Ҳайрон бўлиб ҳалиги қариндошимдан сўраганимда, унинг ўрнига қишлоқнинг энг катта ва кекса устаси жавоб берди:

— Усталар фарқида бормай уйнинг устига жуфт болор қўйишган. Бачкана бўлса ҳам орага қўшимча болорни мен қўйдирдим. Шунинг учун, яхши ният билан қуриладиган уйга ҳеч вақт жуфт болор қўйиб бўлмайди. Бизда ҳам шунга ўқша

чирим-чирим бор.

— Аниқроқ қилиб тушунирсангизчи — дейман таажжубланиб.

— Менинг ота-боболарим ҳам уста бўлишган. Улар ҳам ҳеч қачон иморатга жуфт болор қўйишмаган. Сабаби, фақат марҳумни жуфт қилиб қўйилган ёғочда сўнги йўлга кузатишади. Шунинг учун уйнинг томига жуфт қилиб терим бехосият саналади, болам...

Ғапишим шу ерда узилиб қолди. Мен ҳам бошқа ҳашарчилар қатори яхши ният билан қад кўтараетман бу уйга кўпроқ меҳнатим сингисан дея ҳаракат қилдим.

Алижон САФАРОВ

“СЕВИМЛИ ЎЙИНЧОҚ”

22-23 сентябрь кунлари ўйинчоқлар кўргазмадан жой Тошкентдаги “Электро-аппарат” заводида “Севимли ўйинчоқ” конкурси бўлиб ўтди. Конкурсадан асосий мақсад, Болаларнинг сеvimли ўйинчоғини аниқлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустақил фикрлашга ўргатиш бўлди. Барча вилоятдан келган катнашчилар миллий қадриятларни, ҳалқ ўйинчоқларининг тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оммавий усулيني яратиш учун сидқидилдан меҳнат қилганликларини кўрсатдилар. Ёғочдан, лойдан, юмшоқ ва Папье Масье (майдаланган коғоз парчалари)дан ишланган

Замира АБДУРАҲИМОВА



КИМ ҚАЕРДА!

Алиевич Саримсоқовдир.
— Домла, мен сизни фақат набираларингиз даврасида, қолаверса улуғвор хотираларингиз қўйнида учратарман, деб ўйлагандим.

маслаҳатчиман. Уқиб илм олган жойимга меҳрим, садоқатим боис 63 йилдан бери дорилфунундан қадамим узилмаган. Шогирдлар даврасида баҳоли қудрат ишлялмизда...

— Мени кўпинча битта савол ўйлантиради. Айтингчи домла, дорилфунун сизга кўп нарса бердимикин ёки сиз дорилфунунга!
Ҳарқалай Тошкент Давлат

қаршилаб турибсиз. Кўпчилик сизни беармон бир инсон бўлса керак, деб ўйлайди. Аслида ҳам шундаймисиз!
— Мен аввало отаман. Мени ўйлантирадиган нарса

КЕКСАЛИККА КЎНИКОЛМАЯПМАН

Бироқ сиз ҳалиям тиниб-тинчимаётган экансиз.
— Нима қилай қарчиликка кўниколмасам? Қолаверса, худога шукр, ишга яраб турибман. 1988 йилнинг апрелидан бошлаб Фанлар Академиясининг президумида маслаҳатчи бўлиб ишлаб келаяпман. Шунингдек, мен учун мўтабар бир даргоҳга айланган Тошкент Давлат дорилфунунининг математика факультетида профессор

— Сиз — илмнинг ҳақиқий фарзандисиз, чинакам фидойисиз. Бу нарса оилада фарзандларингиз тарбиясига таъсир этмаганими!
— Фарзандларимни ўзларининг қизиқишига қўйиб берганман. Менга ҳам ҳеч ким ҳаёт йўлими чизиб бермаган. Шунинг учун уларнинг ҳаётига аралашмаганман. Аммо доим керакли маслаҳатлар бериб тураман.

дорилфунунининг сизни кўярда-кўймай уч бора ректорлик лавозимига "тортиб" олиши бежиз эмасда...
— (кулади). Нима десам экан. Очиги менинг дорилфунундан, дорилфунунининг мендан қараи йўқ ҳисоби. Орамиз очик (ҳазил). Энди ўйлаб кўринг, худди ота-онамдек тарбиялаб, вояга етказган илм масканидан мен умрбод қарздор бўлмайманми?
— Мана муборак 80 ёшни

болаларимнинг ҳаёти, келажаги. Ҳали илмда ҳам муаммоли ҳижатлари йўқ эмас. Ишқилиб ҳаёт давом этар экан, шоир айтганидек, турмуш ташвишлар сизни тинч қўймайди.
Олим билан бафуржа суҳбатимизни кейинги сонлардан бирда ўқийсиз.
Алижон САФАРОВ

Суҳбатдошимиз халқимизга маълум машҳур бўлган давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг асосчиларидан бири, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби — олим Тошмуҳаммад

1994 — ОИЛА ЙИЛИ

Тарбия масаласи ҳаёт пайдо бўлгандан буён муаммо. Бугунги кунда бу масала билан кўплаб олимлар алоҳида шугулланишади. Лекин, бола ҳақида ҳеч бир олим унинг ота-онасичалик маълумотга эга эмас. Шундай экан бизнинг онлавий муаммоларимизни ҳал қилишда кимларгадир шикоят қилмасдан ишни ўзимиздан, ўз уйимиздан бошласак

қаргаб кетишади ва икки гапнинг бирда ўқишга олиб борган пулни топ дейишади. Шу гапни эшитавергач уйдан кетишга аҳд қилдим. Бу фикримга уйдагилар ҳам рози.
Азизлар, илтимос қиламан, ўзимни бозорга солаётганимдан кулмангизлар тақдирим шу экан, да на илож. Бу йўлни таллаганимга

шугулланганда ҳам эркак киши назоратида бўлган. Бугунга келиб эса бу масала билан на эркак, на-да аёл тузуқроқ шугулланмаётганлиги сир эмас. Ҳў, бизнинг фарзанди богда, мактаб ёки болалар ўйи тарбиялаб бериш керакдир.
Агар ҳар бир ота-она кўнглида "бу менинг фарзандим!" деган фохр бўлса ва жигарбандига нисбатан тутадиган

Ўрис аёл энгашиб болага қарадида, "бирга кетамиз, ота-онангга олиб бораман" деди. Боланинг юзиде қандайдир норозилик кайфияти пайдо бўлди ва амакига маҳкамроқ епишиб олди.
— Бормайман, отам маст бўлиб яна уради. Бу киши билан кетаман.
Бутун вагон уларга ҳам қизиқиб, ҳам ажабсиниб қарашар, бирор киши гапиршига журъат этолмасди. Ниҳоят, "Чилонзор" Бекатига келганимиз эълон қилинди. Тушимши керак, жуда иккиланиб қолдим. Ўрис аёл эса (боланинг қўшиси экан) ўрнидан туриб "ота-онангга ҳаммасини айтаман, бориб қолар", деди-да тушди-кетди. Менга нима, ҳамма ўзи билан овора-ку. Нима қиламан, бошимни огритиб деган уларга ҳам бордим, аммо, кетишга оёғим тортмади. Вагон эшигидан чиққан жойимдан қайтиб кирдим.

ҳар хил сабаблар топиб ўзимни овутдим. Энди бу ишга аниқлик киритмасам бўлмасди. Эртаси кун тахририятга борганимда метро хизмати бўйича миллиция подполковниги Полвонназар Бердиев менга телефон қилиб миннатдорчилик билдиргач, учрашишни таклиф қилди. Кўп ўтмай гумону афсуслар ила иккилана-иккилана Полвонназар аканинг олдига бордим.
— Жуда тўғри қилгансиз. Биз амакининг шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. У киши олдин давлат мулкни талон-тароқ қилишда айбланган қамалган. Ҳозирги кунда автомобиллар турадиган жой қоровули.
Тўғри, амаки боланинг аҳволини кўриб ачинган, ёрдам бергиси келгандир. Лекин болани олиб кетишга ҳақиқий йўқ. Яна шунини ишонч билан айта оламаники, амаки болани боқиб ололмас эди. Аниқ маълумотларга кўра у сўнги уч ой мобайнида бир неча бор ичкилик тўғрисида миллиция органлари томонидан оғоҳлангандир. Биз унинг онлавий аҳволи билан ҳам танишдик. Ўзлари ночор яшашаркан. Оиласида тез-тез жанжал-тўполонлар ҳам бўлиб тураркан. Шундай бўлгач бола етакдаб уйига борганида уни остонадан нари киритилмасди.

ФАРЗАНДИНГИЗ НИМАГА ҚОДИР?

дурустроқ.
Кўпинча ота-оналар болаларининг бемахрлигидан нолишади. Емон йўлларга юриб кетган фарзандлари хусусида уларнинг фикри бир хил: "Уа билганидан қолмайди, ҳурматин билмайди, каттаинг гапни гап демайди". Ҳў, ўша бемахр боланинг отаси ёки онаси ўз фарзандига меҳрибонликни! Ўша тарбияси бузилган боланинг уйда тарбия бормикин?

ҳам ҳайрон бўлманлар. Мен мустақил яшашга ўрганмаганман ва бу юришда уйдагиларга пул ҳам топиб бера олмайман..."

Бу оз бўлса ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, йигирма ёшдан ошган йигитнинг мактуби. Қани, ким қаролат бера оладики, бу йигит ёмон йўлга кирмайди ёки ота-онасига меҳрибон фарзанд бўлади деб.

Йигирма йил бағрига сиққан фарзанд бугун арзimas мол-дунени деб ортинча бўлиб қоладики... Фарзандинг бу куйга тушишига минг марта бўлсада ота-онаси сабабчи. Аввало боласининг нимага қодирлигини билишади, била туриб элиши қийин бўлган ишга қўйганлари эса ўз боласининг тақдиринга энгил-ёпи қараганларининг белгисидир.

Шу ўринда ҳар бир ота-она боланинг психологияси билан яхши таниш бўлмоғи керак деб ўйлайман. Унинг ўтиш давлари ҳақида озгина бўлсада тушунишга эга бўлган зот ўзининг бир бўлагини ҳар қачон тушуна олади ва билиб-билмай қилган хатоларини кечира олади ҳам.

Хат муаллифининг вазишча у мустақил яшашга тайёр эмас. Жамиятда шахс сифатида ўз ўрни бўлиши лозим йигитнинг ушбу аҳволи ота-онанинг энг катта фожаларидан биридир. Чунки улар фарзандига йигит ёшга қадар бирор бўлсада ишонч билдирмаганлар. Мустақил фикр, юришга, иш бажаришга шароит яратмаганлар. Шу ўринда ўша ота-она ундан талаб қилишга ҳақлиманми, дея ўйлаб кўришса дуруст бўларди.

Минг йиллар давомида йигилган тажрибалар шунини кўрсатадики, ўғил болалар тарбияси билан асосан эркаклар шугулланишган. Хатто қиз бола тарбияси билан аёл

иши ҳам шунга мос бўлса, кўча-кўйдаги хор-зор болалар сони юракларни гижимламасди.

Онларнинг парокандиликка юз тутиши, яъни, ота-она ўз ўрнини йўқотиб қўяётгани оқибатида УША бемахр, УША худбин фарзанд улғаймаётганимикини! Айтишадими, "Нима эксанг, шунини ўрасан".
Ўқинда ўзим гувоҳи бўлган воқеани ҳам сизларга ҳавола этишни ниат қилдим, зеро, мақоладаги икки оила фожасидан ибратли хулоса чиқармоқ сизнинг ихтиёриңизда.

Ишдан сўнг кечки пайт метро орқами уйга қайтаётганим. Одам кўп, ҳамма уйига шомшомада (уйига бўлсинда энди). Ҳаёл билан кетаётганим, кимдир елкамдан турди.

— Кечирасиз, қалам-қоғоз топиламайдими сизда.

— Марҳамат, — мен чўнтагимдан қалам ва қоғоз олиб унга узатдим. Ҳаёлим бўлинган эди, беихтиёр уни кузата бошладим. Қалам, қоғоз ўриндиқда ўтирганлардан бирига узатдим. Ўрис аёл экан, ёнидаги ўзбек кишидан нималариндир эзиб оляпти. Яқинроқ бордим.

40-45 ёшлар чамасидати амаки ёнидаги ёшгина ўрис болага ўзининг тўнни кийдириб қўйибди. Боланинг рангиде қон йўқ, жуда озгин. Кимдир урган чаманда, лабиниңг четлариде қони ҳотиб турибди.

— Мана шу адресим бўйича мени топишинг мумкин. Агар ота-онасига керак бўлса, кўрсат уларга ҳам. Мен бити ўзим ўғил қилиб оламан. Учта болам бор, худого шукр. Бу энди тўртинчиси бўлади, — амаки ёнидаги ўрис аёлга шортарин айтаётиб болани ўз бағрига турарди, бола ҳам унинг кучоғига сингиб кетгудек эди.

— Кечирасиз амаки, лекин сиз бу аҳволда болани олиб кетавермайсиз. Бу мумкин эмас. Яна боланинг ота-онаси ҳам бор экан, дея амакининг ёнига чўқдим ва унга тушунтира бошладим. Унга яқинроқ ўтиргач сездимки, яхшигина кайфи ҳам бор. Уст боши бир аҳволда, бармоқлари орасидан қон сизиб чиққан. Мен уни кузатиб туриб негадир уни бола боқиб олишига ишонмадим.

— Энди ақл ўргатаман бир сен қолувдинг, гапир, нима хоҳлайсан!

Болани шу аҳволда ташлаб кетайми? Оч юриб ўлиб қолади-ку бу.

Амаки бирдан дағдага билан гапир бошлади.
— Йўқ, ҳеч ким мендан уни ажрата олмайдми. Яна қолаверса боланинг ўзи ҳам мен билан кетишга рози, так да, Алексей, — ёнига ўғирилганда бола розилик аломати билан унинг пинжига тикила бошлади. Метронинг сўнги бекати. Қаттиқроқ турмасам бутун уринишларим зое кетишини тушуниб чўнтагимдан тахририят берган гувоҳномани амакига кўрсатдим.

— Болани ҳозир миллицияга олиб борамиз, рухсат беришса, кетаверинг.

— Нима, сен милицияданмисан? — унинг муомаласи энди анча юмшоқроқ эди. "Ха" деб қўя қолдим. Ва улар билан бошлашиб метро нидаги миллиция бўлимига бордик. Навбатчи сержант Кенжаевга ҳамма маълумотларни бериб, уларнинг телефон номерини олгач, кетишга шайландим.

Хуллас, уйга кириб борганимда соат кечки тўққиз бўлиб қолган эди. Бўлиб ўтган воқеа бирма-бир ҳаёлимда ўтаркан, наҳотки ўша амаки энди ҳеч кимга яхшилик қилмаса, деган ўй "ялт" эстиди тинчим йўқолди. Қилган ишимга афсусландим ҳам, яна

Полвонназар аканинг айтишича, болани бувиис қўлга топширишди. Бола — Алексей 1983 йилда туғилган. Сирғали туманида ота-онаси билан яшаркан. Онаси огир касал бўлиб, қаровсиз қолганлиги туфайли уни Сирғали туманига қарашли 103-мактаб интернатига топширишган экан. Интернатдагиларнинг ўз ишига ўта совақдон муносабатлари туфайли бола шу аҳволга тушган.
— Биласизми, ука. — Полвонназар ака яна куюнчаллик билан гал бошлади. — Бунақа қаровсиз, тарбияси огир болалар ачаганина. Нега ота-онаси, қариндош-уруғи бўла туриб бола интернат ёки болалар уйига топширилиши керак!

Дарҳақиқат, тақдор бўлсада яна айтаман, нега бизнинг фарзандимизни давлат тарбиялаб бериши керак! Тарихимизга чуқурроқ назар солайликчи, бизнинг юртдагилар қачондан бошлаб "болалар уйи" деган атамани қўллай бошлашган? "Унта бўлса ўрни бошқа" дея бир этак фарзанд тарбиялаб вояга етказган бобкалонларимизнинг сирни нимага экан!

Ботир ЭРНАЗАР

МАКТУБ

Ассалому алайкум ҳурматли тахририят ходимлари. Газетингизни доим ўқиб бораман. Айниқса, "Меърож адаби" саҳифасидан анча фойдали ўғитлар оляпман. Намоз ўқишнинг ўрганилман. Лекин, айрим жойларида қандай дуо ўқишни билмайман. Ҳар ким ҳар хил гапирди. Иложи бўлса, намозда ташаҳхуд (аттаҳиёт) ва салавотдан кейинги ўқиладиган дуо, шунингдек тасбеҳ ўқиш дуоларини ва фотиҳа қилиш адабини газетда эълон қилсангиз.

С. ТОШИМОВ,
Узун тумани

НАМОЗДАГИ АЙРИМ ОЯТ ВА ЗИКРЛАР

Дейлик, бомдод намозда ўтириб ташаҳхуд (аттаҳиёт) ва салавот (аллахуллума салли ала... барик ала)ни ўқиб бўлгач кўпчилик салом бериб, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан туради. Худди шу ерда "Ислом ибодатлари" дан бир кўчирма берсак, яъни ташаҳхуд ва салавот ўқиб бўлингач, яъни саломдан олдин куйидаги дуо ояти ўқилади.

"Рабанно атино фид дунё хасанатан ва фил охирати хасантан ва кино азобан нор".

(Маъноси: Эй, парвардигоримиз, бизларга дунёда ва охиратда яхши неъматларни бергил ва ҳам бизларни дўзах азобидан сақлагил).

Шундан сўнг эса икки томонга салом берилади яъни "Ассалому алайкум ва Раҳматуллоҳи" (маъноси: Сизларга Аллоҳ таолонинг саломи ва раҳмати бўлсин) дейилгач салом дуоси ўқилади.

САЛОМ ДУОСИ

"Аллоҳумма антассалому ва минкассалому ваилайка яржиуссалому таборатка йа зал жалоли вал икром".

(Маъноси: Эй, Аллоҳ, сан ҳар бир балолардан сақлагил, эй катталик ва раҳматлик эгаси).

Энди ўрганаётган намозхон муштарий юқоридаги икки дуони кўп эшитган бўлса, керак,чунки бу дуоларни дин аҳли такрор-такрор айтадилар.

Дуоларни ўқиш тартибида чалкашиб кетмаслик учун, такрор бўлсада "Ислом ибодатларидан" яна бир кўчирма оламиз. Демак, ўтиргач:

"...қаъдада бўлган ҳолда аввал ташаҳхуд ўқур, баъдазон салавот бирла дуо оятини ўқур, андан сўнг аввал йне тарафга, баъдазон чап тарафга салом берур. Андан сўнг яна салом дуосини ўқиш, йне қўли бирла пешонасини масҳ қилур".

ҒАЗЗОЛИЙ ЎГИТЛАРИ

Эй, фарзанд, насиҳат қилиш осон, аммо уни қабул қилиш қийин. Зеро,бу насиҳат кўнгил талабига эргашиб юрвчи киши табиғатга аччиқ тегади, оғир ботади. Бунинг сабаби шариятда манъ қилинган нарсалар ўша нафс илгида юрган киши кўнлига маҳбуб ва ёқимлидир.

X X X

Ўқиб ўзлаштирган илмига амал қилмаган одамнинг қиёмат кунидаги азоби икки ҳиссадир.

X X X

Эй, фарзанд оғох бўл, кечалари китоб мутолаа айлаб, уйқуви ўзинга ҳаром қилдинг. Билмайман, бундай қилишингдан мақсад не? Агар ниятинг дуневий обрў-эътибор топишу мол-мулк тўплаш ё бу фоний дунёда бирон бир мансаб, лавозим эгаллаш ва ёки яқинларингу, тендошларинг орасида мақтанаш бўлса, унда ҳолингга вой ва яна вой... Ва агар мақсадинг Расулуллоҳ шариятларини тирилтирмоқ ва ёки хулқингни покламоқ ила ёмонликка буюрвчи нафс бўйинини синдирмоқ эса

сенга эзгуликлар ва яна эзгуликлар бўлсин!

X X X

Эй, фарзанд, оғох бўл, амалсиз илм телбаликдан бошқа нарса эмас. Ва лекин илмсиз амал ҳам бўлмайд. Фақат шунга бил, ва едингга тут:

ҳар қандай илмики бу дунёда маъсиятдан (гуноҳдан) узоқ тоат-ибодатга далолат қилмаса, ундай илм қиёмат куни сени жаҳаннамдан кайтаришга қодир эмас. Бундай илмдан сақлан!

Эй, фарзанд руҳингга ҳиммат қил,нафсинга синиклик бағишла ва танинг ҳоқимлигини махв эт, ўлдири! Руҳ-удуг ҳодисаким, у фақат яхши амалларни хоҳлайди, биллоҳ яхши амал қил, нафсинг буюрган йўлга юрсанг муқаррар ҳалок бўлдурсан. Нафсингни тий синдир танинг парваршига эрк берсанг, у семириб кетади ва ибодатга сушт бўласан.

"ЭЙ, ВАЛАД" китобидан тайёрланди



ТАСБЕҲ ВА УНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

"Намозни адо қилгондан сўнгра ушбу зикрлар ўқилур: субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи вала илаҳа илаллоҳу валлоҳу акбар.

(Маъноси: Аллоҳ таолони поклик бирла ёд қилурман ва пок эътиқод қилурман ва жамиъи яхшилик Аллоҳ таолога хосдур. Бир Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқдур. Аллоҳ таоло ҳар нарсадан улугроқдур).

Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил азийм.

(Маъноси: гуноҳлардан юз угуруб қайтмоқ мумкин эмасдур ва ибодатга қудрат йўқдур, магар олий мартаба Аллоҳ таолонинг тавфиқ ва иноати бирла мумкиндур).

Ма ша Аллоҳу кана ва ма лам яшаъ лам якум.

(Маъноси: Аллоҳ таоло хоҳлагон нарсалар ҳар қаюси бўлур, Аллоҳ таоло хоҳламаган нарсга ҳеч бўлмас).

Кейин Оятул курси ўқилади.

Аъзузу биллаҳи минашайтонир ражим

Бисмиллаҳир роҳманир раҳим

Аллоҳу ла илаҳа иллаҳу валҳаййул қаййум.

Ла таъ хузуху синатув ва ла навм. Лаху ма фиссамавати ва ма фил ара. Ман- заллазий яшфаъу индаҳу илла бизиниз. Яъламу ма байна айдиҳим ва ма халфаҳум. Ва ла йу ҳий тувна бишай им мин илмиҳи илла бима шаъ васиъа курсиййухус самавати вал арза ва ла яудуху хифзуҳума ва хувал ъалиййул-ъазийм.

(Маъноси: бир Аллоҳдан бошқа ҳеч маъбуд йўқдур. Ва ул Аллоҳ ҳамиша тирикдур ва жамиъи халойқнинг тадбири ва муҳофазати алақдавом анинг бирладур.

Ул Аллоҳ таолода ҳеч бир вақт уйқусирамак ва ухламак йўқдур. Осмонда ва ерда бўлгон нарсалар анинг тасарруфидадур, кимдир анинг олдида шафқат қилгувчи бўлса ҳеч шафоат турибди буни кўрган яна бири қўлини ҳовучлаб (дуо тўқилиб кетмасин деб) гужанак бўлиб олган.. Одамзот асли бир-бирига ўхшамасликка интилади. Лекин дуо қилаётганда маълум умумийлик бўлиши таъкидланади.

Қўл дуога очилганда бармоқлар ён томонда бир-бирига қўшилади ва қўллар кўкрак тўғрисиғача кўтарилади.

Бу ҳақда биз юқорида тилга олган адабиетимизда шундай дейлади: "Қўлларни кўкрак тўғрисиғача кўтариб ушбу дуони ўқур:

ДУО

Аллоҳумма тақаббал минна солатан ва сиямана ва қиямана ва қира-атана ва рукуъана ва сужудана ва куъудана ва тасбиҳана ва таҳлилана ва таҳашшуъана ва тазарруъана. Аллоҳумма таммин тақиррана ва тақаббал тамамана вастажиб дуъа ана вағфир аҳяна варҳам маҳхам мавтана йамавлана. Аллоҳумма тақаббал минна ҳазис солатал-фарза маъас суннати маъа жамиъи нуқсанатиҳа би фазлика ва карамика ва ла таъриб биҳа мужухана йна илхал-аълабийн ва йа ҳайан носирийн.

ФОТИҲА

Давранинг каттаси қўлини фотиҳага очганда ҳаммамиз ҳам қўлимизни дуога очамиз. Эътибор берсангиз, кўпчилик

Тавоффана муслимийна ва алҳиқна бис салихийна ва саллаллоҳу таъоло ала хайри халқхи Муҳаммадин ва ала олиҳи ва асхабихи ажмаъийн.

(Маъноси: Ё, рабб, бизларнинг намозларимизни-ю, рўзаларимизни-ю, киёмимизни-ю, рукуъларимизни-ю, сужудимизни-ю, қаъдамизни-ю, тасбеҳимизни-ю, таҳмилимизни-ю, тавозеъларимизни-ю, илтижоларимизни қабул қилгил. Ё, рабб, камликларимизни тамом қилгил ва тамом бўлгон амалларимизни қабул қилгил ва дуоимизни ижобат қилгил. Эй, хоҳамиз, тирикларимизни ёрлақагил ва ўлликларимизни раҳмат қилгил. Эй, фазл откурвчи парвардигоримиз, бизларни жамиъ балолардан ва иллатлардан сақлагил. Эй, Раббимиз, ушбу номозимизни ҳар бир нуқсони бирла қабул қилгил, ул намоз ила юзимизга урматгил. Эй, ҳамма оламини ҳақ маъбуду ва эй, ердам қилгувчиларнинг қомилроғи бизларни иймонлик ҳолларимизда вафот қилдургил ва бизларни солиҳ кишиларга восил қилгил. Аллоҳ таоло халқларнинг яхшироғи Муҳаммад алайҳиссаломни ва унинг оли асхобларини раҳмат қилсун).

Юқоридаги оят ва зикрларнинг ўқилиши, яъни кироятни биладиган мўмин кишидан илтимос қилинса, албатта ўрганувчи учун фойдали бўлади.

Маслаҳатлар

АГАР ТУМОВ БЎЛСАНГИЗ

Ёнинг жазирама кунлари ортда қолиб ўлкада соя-салқин куз кунлари бошланади. Албатта йилнинг бу фаслида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туриши боис аҳоли ўртасида тумов ва ўткир грипп касалликлари жуда кўп бўлади.

Киши совқотганда организмда вирус ва микроблар фаоллашиб, юқори нафас йўллари шиллик пардаларида яллиғланиш жараёни пайдо бўлади.

Сиз шамолдингиз. Тумов, йўтал пайдо бўлди, бошингиз оғриб, лоҳас бўляпсиз, иситма чиқяпти. Бу аҳволда ҳеч қачон кўчага, ишга чиқманг. Ақс ҳолда касаллик урчиб, кўпчиликка юқиши мумкин. Бундай пайтда озода хонада ўринга ётиб қатъий муолажа чораларини кўринг.

Тумов бўлганда, бурун жуда битиб қолиб, унда ҳаво ўтиши қийинлашади. Ва юқори нафас йўлига зўр келиш оқибатида зўради, шамоллаш томоқ қулоққа ўтади.

Қадим пайтларда одамлар ўзлари шифобахш гиёҳлардан дори тайёрлаб ичишиб даволанишган. Масалан,

тоғжамбили одамни жуда яхши терлатиб, микробларга ва яллиғланишга қарши яхши таъсир кўчига эга. Бундан ташқари тоғжамбили ўта дезинфекцияловчи ва тинчлантирувчи, балғам кўчирувчи ва оғрик қолдирадиган восита сифатида ҳам ишлатилади. Йўтални босади.

Агар ҳарорат ортиб кетса, баданини ароққа ва сув қўшилган спиртга сочиқни хўллаб баданини артиб, латгани хўллаб, пешонага қўйиш лозим.

Қаттик тумовда бурун жуда битиб, нафас олиш оғирлашади. Шу туфайли бурунни галма-галдан қоқиб (иккаласини зўрлаб қоқиш зарарли. Қаттик қоқиш натижасида шиллик ўрта қулоққа тушади ва юқори нафас йўлларида ҳам яллиғланиш жараёни бошланади), иссиқ ҳилига ёки чой содаси солинган бунга тугилади. Оёққа горичникли сув иссиқ ванна қилиб, сўнгра ўраниб ётилади.

Пиез ёки саримсоқ сувини бурунга томизиш мумкин эмас, чунки у яллиғланган шиллик қаватни таъсирлайди. Аслида фитонцидлар пиез, саримсоқдиз сувининг асосан учувчан қисмида бўлади. Шунинг учун, бир бош пиез, 3-4

та саримсоқ бўлақларини қирғичдан ўтказиб тоза стаканга солинг ва стаканини кружкадаги қайноқ сувга солиб қўйинг. Қалинроқ қоғоз воронка билан стаканининг оғзини ёпиб, воронканинг ингичка учини бурунга тўғрилаб галма-гал ҳар бир бурун қагаги орқали 10 дақиқадан хидланг. Ўткир тумовда баъзи кишиларга алоё суви яхши ёрдам беради. Алоз суви 5 томчидан икки-уч кун мобайнида бурунга томизилади.

Тумов пайтида битта дастрўмол тутманг. Тумов қайта юқмаслиги учун ёнингизда бир неча дона кичикроқ дастрўмолчалар бўлсин.

Малина ва наъматак меваси ҳам шамоллашга қарши таъсир этиб, истимани туширади, тез терлатади. Дамлама тайёрлаш учун икки ош қошиқ малина қоқиға (1 стакан малина-меваси) бир стакан қайноқ сув қуйилади ва 10-15 минут тиндириб, сўнгра докада сузилади. Ўйдан ташқарига чиқмай 2-3 маҳал овқат олдидан ичиш лозим.

Ўз вақтида даво қилмаслик, безътиборлик ёмон асоратларга олиб келиши мумкин.

ДИЛБАР тайёрлади

Мухаррирга мактуб

ИЛТИЖОМ ҚАБУЛ БЎЛДИ

Хурматли Мухаррир!

Газетангизнинг ўтган сониде менинг "Ёв қочса ботир кўпар" деган мақолам босилган эди. Унда камина "Улугбек хазинаси" романи ҳақида билдирилган танқидий гапларга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилгандим. Мақолада жумладан шундай гаплар бор эди:

"1991 йил баҳорда Жаҳон диний назорати раиси Насиф жанобларининг таклифи билан бир гуруҳ таникли адиблар билан Макка Муқаррамага боргандим. Даргоҳи Илоҳий ва жаннатмакон пайгамбаримиз қабрини зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлгандим. (Араблар: "адиблар дарвешларга яқин, дарвешларга эса Оллоҳнинг назари тушган", дейдилар). Биз ҳаммамиз покланиб, эғнимизга эҳром қийиб, муқаддас Каъбани етти марта айландик ва қадимий русум бўйича барча гуноҳларимизни кечирिशни сўраб, Парвардигори оламга илтижо қилгандик. Шунда мен ҳам хаёлан Яратган эгамга мурожаат қилиб ҳаётим ва ижодимда йўл қўйган нуқсонларим учун кечирим сўрадим. Ва кўзим тирикчилигида уларни тузатишни ният қилдим. Ниятимни амалга оширдим ҳам.

Менинг илтижом қабул бўлди чоғи, бир ҳафта ўтмасданок китоб барча камчиликлардан тозаланган, янги маълумотлар, янги боблар билан тўлдирилган ҳолда нашрдан чиқди. Мен бу кичкина воқеадан хурматли газетхонларимиз бохабар бўлиб қўйишини истар эдим.

Эҳтиром билан ОДИЛ ЁҚУБОВ



Оила

28 ЁШДА

Тошкент шаҳридан. Касби — етакчи савдо ходими. Истарали, покиза сабр-қаноатли оққўнгил, турмушга чиқмаган қиз. Ўзига бир умр вафодор ҳамроҳ бўладиган кенг фикрли, аёл кишини ҳар томонлама тушунадиган, 40 ёшгача бўлган йигитга турмушга чиқмоқчи "Оила-360".

24 ЁШДА

Тошкент вилоятиданман. Турмушга чиқмаганман, рўзгор ишларини жондидан севаман, маълумотим ўрта. Йигитлардаги билимдонлик, муомала маданияти юксаклигини ва бўлгуси турмуш ўроғимга нисбатан эътиборли бўлишни жуда қадрайман.

Хушмуомала, ростгўй, меҳнатсевар (қайси вилоятдан бўлса ҳам майли) 25-35 ёшгача бўлган йигит билан ганишиб, ўз тақдир ришталаримни у билан боғлаш орзусидаман "Оила-361".

39 Ёшда

Қорақалпоғистонликман. Миллатим ўзбек. Олдин уйланиб кўнгилсизлик туфайли ажрашганман. Жисмонан соғломман, зарарли одатим йўқ.

Менинг мақсадим ўқиш, иш ёки бошқа айрим сабабларга кўра ўз вақтида турмушга чиқишга улгурмаган ёши 35 гача бўлган, озода, эр зотини чин дилдан хурматлайдиган, шахсий уй-жойига эга (ўзимни шахсий уй-жойим бўлсада, бизда экология бузуқлиги сабабли Тошкент, Наманган вилоятларига кўчиб

ўтишга ҳам розиман) ўзимга ўхшаш оқикқўнгил, ўйлаб гапирадиган ўзбек ёки тожик хотин-қизи билан яқиндан танишиб, унинг садоқатли умр йўлдоши бўлиш ягона орзу-армоним. "Оила-362".

23 ЁШДА

Қорақалпоғистонлик. Ўрта бўйли, рўзгор-хўжалик юмушларини юртида омиликор, оғир-вазмин, уйламаган йигит. Ўзи ёлғиз онаси билан кенг боғ ҳовлида туради. Лобар, оила ишларида сўянжом-саришта ўзбек қизи биланоила қуриб, бола-чақали бўлиш, уларнинг роҳатини кўриш умидида "Оила-363".

Оила

38 ЁШДА Турмуш Андижондан. Турмушга ажрашганман, битта фарзандим бор. Тошкент, Наманган вилоятларига кўчиб Касбим новвойчилик.

Тошкент шаҳрида яшайдиган, уйли-жойли, боғдаб бола-чақам дейдиган аёл билан танишиб турмуш қуриш ниятидаман. Ичмайман, чекмайман. Оила учун елиб-югураман. Бир икки болалик бўлса ҳам майли "Оила-364".

28 ЁШДА

Сирдарёлик. Турмушга чиқмаган, олий маълумотли қиз уй-жой, моддий томондан етарли. Тарбияли оилада камол топган ақлли, келишган 35 ёшгача бўлган ўзбек йигитига турмушга чиқмоқчи "Оила-365".

Хусусий алоқалар

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 44 хонали уйи сотаман. Мурожаат учун манзилгоҳ: Юнусобод-9 дом-1, 122 қаватра (18.00 дан кейин).

Дераза

БАЙРАМ ТАТИМАДИ

Воқеа Екатеринбургда содир бўлди. Минглаб шаҳарликлар тарихий хиёбонда "Боготый дом" компанияси томонидан "Виват, виват, виват" номи билан уюштирилган даббали базмга ташриф буюришди. Бироқ бу гал хайрли ният қайгули яқун тонди.

Кечаси соат 23 ларда мушакбозлик базми бошланди. У бутун байрамни "харом" қилди. Отиланг мушаклардан бири тўсиқ қизигидан ўтиб кетиб, нақ оломон ўртасига тушиб ёрилди. Натияжада 28 киши жароҳатланиб, улардан 4 нафари шифохонага ётқизилди.

ПОРТРЕТНИНГ МАЗАСИ

Немис божхоначилари Интернет билан ҳамкорликда гиёҳванд модда сотувчиларининг ҳийласини фош этишди. Воқеа бундай бўлди. Заҳри қотил мамлакатга М. Горбачёв портрети тиссолида олиб ўтилаётган эди. Портрет сариқ асосда мовий рангда чоп этилган эди. Ҳамма сир ана шу сариқ рангда экан. Унинг таркибиде 0,54 грамма замонавий ЛСД синтетик гиёҳванд модда мавжуд экан. М. Сергеевичнинг битта суратидан гиёҳванд 4 марта "роҳат" оларкан.

ЭҲТИРОМ ОҚИБАТИ

"Москва" сайёҳлик теплоходида 15 ёшли қиз "шамоллаб олиш учун" ҳожатхонага кирди. Бахтга қарши худди шу пайти ҳаборовскилик милиция катта лейтенанти А.нинг ҳам "ёзилгиси" келиб қолди. Милиция кийимидеги инсонларга ҳамма жойда айрича эҳтиром кўрсатишига қўниқиб қолган, бироз ичиб олган зобит, ушбу жойни тезда уйга бўшатиб беришларини талаб қилди. Бечора қиз саросимада қолди. Бундан газабланиб кетган милиционер эшикка қараб хизмат қуролидан ўқ узди, қиз ерга қулади...

Нима қилиб қўйганини англаган тартиб посбони олдин тўпюнчани иритиб, сўнг унинг изидан ўзини Амур сувига олди. Аммо қирғоққа сузиб чиққач, хушига келиб, навбатчи нарядга ўзини топширди.

САВОДСИЗЛИК ПАНД БЕРДИ

Новгород вилоятида ноёб сохта пуллар аниқланди. 50 минглик пуллардаги "Подделка билетов Банка России преследуется по закону" иборасидаги "Россия" сўзидаги иккинчи "и" ҳарфи тушириб қолдирилди. Шу фарқи туфайли бу қалбаки пулни ҳар қандай содда одам ҳам фарқлаши мумкин.

Афтидан, қаллобликда қанчалик устаси фаранг бўлиб кетса ҳам, саводсиз бари бир саводсизлигича қолади шекилли.

АГАР СОТСА

Минск жасадхонасида мурдани тунашди. Ўғри бинога туйиқдан кириб қазоси етган аёлга аталган қимматбаҳо қўйлақни ўмарди. Милиция шаҳарликларга агар бозорда бирор қимса формалин анқиб турган қўйлақни харид қилишни таклиф этиб қолса бундан тезда тартиб посбонларини бахабар этишни сўради.

ТАЛАНТ ХОР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ҳарп шаҳри (заполардаги алоҳида тартибга қамоқхона бошлиғи Анатолий Ковченок уч нафар маҳбуснинг қобилиятидан унумли фойдаланиш учун "азамат"ни қониймакел қилиб лаҳм қазиб қочиб кетилиши мумкин бўлгани учун бу ерга бошқа қамоқхонадан ўтказилган экан. Ҳарп қамоқхонаси биносига эса зудлик билан иссиқ сув қувурини келтириш зарур бўлиб қолди. Ковченок уч устани қақириб, катта йўл остидан уч кун ичида лаҳм қазиб йўтказишни буюрди. Буюртма муддатиде бажарилди.

ХОРИЖИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН ОЛИНДИ

СПОРТ ОЛАМИДА

ТУХТАНГ, «НЕФТЧИ» ЙЎЛГА ТУШДИ

Мамлакатимиз биринчилигида муваффақиятли қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» командаси мисли кўрилмаган даражада муваффақият қозонмоқда. У қаторасига икки йил чемпионлики қўлга киритди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги мусобақасида ҳам шарафли иккинчи ўринни эгаллади. Яқинда эса улар Осиё чемпионлари кубоги беллашувининг дастлабки босқичида Марказий Осиёдаги Повладорнинг [Қозоғистон] "Ангат", Душанбенинг [Тожикистон] "Ситора", Ашгабаднинг [Туркменистон] "Копетдо", Бишкекнинг [Қирғизистон] "Олга" командаларини йирик ҳисоблар билан доғда

қолдириб чорак финалда Эрон мамлақати чемпиони "Сайп" командаси билан сафарда дуранг — 2:2 натижага эришди. Ушбу командаларнинг такрорий учрашуви 23 октябр кунин Фарғонада ўтказилади. Ғолиб команда тўғридан-тўғри кейинги босқичга бериладиган йўлланмага эгалик қилади. Умуман олганда "Нефтчи" катта карвон мисол энди йўлга тушди. "Оила ва жамият" улкан умид ва истаклар билан ушбу команда аъзоларига мустаҳкам соғлиқ ҳамда фақат ғалабалар нашидасини тилайди.

Кейинги пайтда Тошкентнинг "Пахтакор" командаси аҳволи бирмунча оғирлашиб қолди. Мураббий ва футболчилар ўртасида узлуксиз ўзгаришлар

бўлиб турибди. Собиқ бош мураббий Рустам Акрамов ишдан кетиш тўғрисида аризасини ёзгач унинг ўрнига Виталий Суянов сайланганди. Бироқ у киши ҳам командани тушкунликдан асраб қололмади. Орадан кўп ўтмай унинг ўрнини бошлиқ лавозимида ишлаб келган Ахрол Иноятов эгаллади. Унинг ўрнига эса Аброр Имомхўжаев сайланди.

Футболчилардан С. Раҳимов, Т. Ёқубов ҳамда К. Сафаровлар командадан бў-



Суратда "Нефтчи"командаси

тунлай четлатилди. Шунча "Темирйўлчи" командасига ўзгариш бўлаётганига уйинни бой берди. Кейинги қарамасдан команда ҳамон янги бошлиғи Аброр Сўнгги турда улар ўз майдонида Қўқоннинг

Ўзбекистон миллий терма командаси 25 сентябрь кунин Жиззах шаҳрида 12-Осиё ўйинларига тайёргарлик юзасидан маҳаллий "Сугдйена" клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Терма командамизнинг асосий рўйхатида хорижда тўп суратган ноҳодор футболчилардан Азамат Абдураимов ["Паханг" Малайзия] ҳамда Миржалол Қосимов ["Спартак" Владикавказлар ҳам "Спартак" Владикавказлар ҳам майдонга тушди. Учрашуу 0:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни Рустам Забиров ["Навбахор" Наманган] ва Азамат Абдураимов киритди.

Хуллас мамлакатимиздаги миллионлаб футбол нишқибозларини кўзлариде юлдузлар қақнагулик "менман" деган қизлар юракларига сув селиб олди. Негани, севимли футболчимиз Азамат Абдураимов 28 ёшида уйланди. Масаланинг қизиғи шундаки, бундан бир йил олдин Азаматнинг укаси Жасурбой ҳам уйланганди. Бугунга келиб Абдураимовлар оиласига иккинчи келин тушди.

Ўзбекистон миллий терма

командасининг бош мураббийси Рустам Акрамовнинг таъкидлашича футболчиларимизнинг Хиросимада [Япония] ўтказиладиган 12-Осиё ўйинлари мусобақасида қатнашишдан асосий мақсади кучли тўртликдан жой олиш ҳамда Осиё мамлакатларидаги футбол тараққиети билан яқиндан танишиш. Биз мухлислар терма командамизга ушбу мусобақада омад ёр бўлишини истаймиз.

25 сентябрь кунин Жиззахнинг "Сугдйена" футбол клубининг президенти Эркабой Исмоловнинг 70 йиллик юбилейи кепт нишонланди. Пайтдан фойдаланиб Эркабой анага рангли телевизор ҳамда бир нечта чопон, дўппи ва белбоғ соғи қилди. Юбилей маросимига Республика Футбол федерациясининг котиби Салми Эшмуҳамедов, ҳакам-инспектор Аҳбор Имомхўжаев ҳамда Ўзбекистон миллий терма командасининг сардори Азамат Абдураимовлар ҳам иштирок этиб ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

НЕГРЛАРГА ЖУДАЯМ ҚИЙИН

Бирлашган Германия футбол лигасида кейинги пайтларда жуда кўп кўнгилсиз воқеалар бўлиб турибди. Шундай воқеалардан бири яқинда Дортмунда бўлиб ўтди. Маҳаллий "Боруссия" клуби билан узоқ муддатга шартнома тузган Бразилия терма командасининг аъзоси Жулио Цезар иккала таниши билан кечки дискоотекага қадам ранжиде қилди. Бироқ невислар "биз қора таниларини қабул қилмаймиз" деган маънода иш тўтиб хорижлик футболчини кўнгилхушлик

қилишга киритмади. Натижада Жулио Цезар эртаси кунлик "Боруссия" клуби билан имзоланган шартномани бузиб мураббийларга ватанига қайтиш зарурлигини ўқирди. "Боруссия" билан алоқам яхши. Ҳеч нарсадан нолимайман бироқ ҳаёт фақат футболдан иборат эмаски. Германиядаги иқтимоий ҳаёт, маҳаллий аҳолининг муомаласи менга ёқмади. Шунинг учун уйга қайтмоқчиман, — деди у журналистлар билан бўлган сўхбатда.

ТАНИШИНГ, 12-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА КОМАНДАСИ

1. Степан Атоян "Нефтчи" 1966 й.
2. Абдусамат Дўрмонов "Нефтчи" 1965 й.
3. Александр Тихонов "Нефтчи" 1965 й.
4. Андрей Федоров "Нефтчи" 1971 й.
5. Рустам Дўрмонов "Нефтчи" 1969 й.
6. Станислав Моргулис "Пахтакор" 1971 й.
7. Улуғбек Рўзимов "Пахтакор" 1968 й.
8. Абдуқаҳҳор Маъруфалиев "Пахтакор" 1971 й.
9. Шўҳрат Мақсудов "Пахтакор" 1970 й.
10. Бердах Оллониёзов "Орол" 1965 й.
11. Миржалол Қосимов "Спартак" 1970 й.
12. Александр Миклеяв "Нефтчи" 1967 й.
13. Азамат Абдураимов "Паханг" 1966 й.
14. Илҳом Шарипов "Пахтакор" 1966 й.
15. Рустам Забиров "Навбахор" 1966 й.
16. Равшан Бозоров "Нефтчи" 1966 й.
17. Фарход Магомедов "Навбахор" 1963 й.
18. Игор Шквирин Исроил 1963 й.

ЭНГ ҚИММАТ РУС ФУТБОЛЧИСИ

Россия терма командасининг аъзоси И. Шалимов эқинда Бундеслига (Германия) даги "Дуйсбург" командаси билан янги шартнома имзолади. Нечис мураббийларининг бундан асосий мақсади кейинги йилларда қолонлар қаторига тушиб қолган "Дуйсбург"ни кучлироқ сафига қўшиш. Шуниси ваҳимали И. Шалимов Германияга келган энг қиммат футболчи бўлиб турибди. Бу борда собиқ жаҳон чемпионлари (1990) янглигини йўқ бунини кўрсатади.

Ўзбекистон терма командасининг шу йилнинг 28 сентябрида Осиё ўйинлари йирик мусобақасида қатнашиш натижасига жўнаб кетди.

Саҳифани Нормурод МУСОМОВ тайёрлади

АЗАМАТ + ЛОБАР

Юқоридеги хабарда Азамат Абдураимовнинг уйланганлигини айтгандик. Қуйида кувётура билан бўлган сўхбати ўқинг:

— Азамат, келин билан "Оила ва жамият" ўқувчиларини яқиндан таништирсанг!

— Исми Лобархон. Тошкент шаҳрида яшайди. Утган йили ўрта мактабни тугатган. 18 ёшда.

— Тўй ташвишлари қийнаб қўймадими!

— Йўқ. Дастлаб шу йилнинг апрел ойида Малайзияда тўй қилдик. Дадам, қайнотам ва ҳозир ўзим ўйнайдиган "Паханг" командаси аъзолари қатнашди.

— Лобархон ҳозир нималар билан банд!

— Ишламайди ҳам, ўқимайди ҳам.

— Шахсий автомашина олддинг, йўқ!

— Ҳозирча йўқ.

— Энди футбол ҳақида ҳам икки оғиз гаплашсак. Малайзия футболини Европа мамлакатларидаги билан қиёслаш мумкинми!

— Европа футболни анча устун.

— Ўзимизники билан-чи!

— Бизниқидан юқорироқ бўлса керак.

— Сен ўйнайдиган "Паханг" командаси ҳозир нечанчи ўринда бормоқда!

— Чемпионатни бешинчи ўрин билан ақунладик.

— Нечта тўп киритдинг!

— Мавсум давомида бир ярим ой майдонга тушмадим. Соғлигим ёмонлашиб қолганди. Шундай бўлсада ўнта гол урдим.

— Бундан бир, икки йил олдин ТошДуниинг журналистика факультетида ўқирдинг. Битирдингми!

— Ўқшим йилда қолиб кетди.

Шов-шув

КАТТА ОДАМЛАРНИНГ КАТТА ҚОЧИШИ

Ростданам катта қочиш, деб езади, "Труд" газети. Собиқ Шўро замонасидан КГБ деб аталмиш, айни кундаги Озарбайжон миллий хавфсизлик вазирлиги тергов изоляторидан уюштирилган қочиш ҳали бу баобру ташкилот тарихида биринчи мартаба содир бўлди.

21 сентябр кuni собиқ мудоффа вазири Раҳим Қозиев, унинг ўринбосари Бобо Назарали, ҳарбий қисм қўмондони Ориф Пошшаев ва тузилиб улгурмаган Талиш-Мугон

республикасининг собиқ бошлиғи Алиқром Гумбатовлар номи юқорида зикр этилган жойдан қочишга муваффақ бўлишди. Уч нафар бошлиқ Шуша ва Лочинни қўлдан берганлиги муносабати билан қамоққа олинган бўлсалар, А. Гумбатовнинг айни тергов пайти экан. Улар билан бирга шу қочишни уюштирган махсус изолятор бошлиғининг ўринбосари ҳам яширинган.

Жиноят кеч соат 20 ларда содир

этилган. Эртаси кuni кечкурун эса аҳоли бошланғич қидирув натижалари билан хабардор қилинган. Аниқланишича, соат 19 да уч судланувчилар суд залида қоровуллар назоратида изоляторга келтирилган. Зобит, яъни қочишни уюштирган бошлиқ, бир қоровулни алдаб қайтариб юборган ва қолган иккисининг қўлларини боғлаб, қамоқдагиларни озод қилган.

Қочиш режасининг жуда содда ўйланганлиги ва амалга оширилганлиги кишини лол қолдиради.

Ҳозирча ҳамма эътибор қидирувга қаратилган. Махсус хизмат идорасида ходимлар жомонидан бундай хатога йўл қўйилганлик текширилиб аниқлашга киришилди.

Норасмий маълумотларга кўра жиноятчиларни Республика

ташқарисидаги аниқроғи Россия ҳузурида излаш керак бўлади деган тахминлар айтилган.

Миллий телевидение орқали президент Ҳайдар Алиев бўлган воқеа ҳақида гапириб, бу ҳаракатнинг ортида давлатнинг ички ҳамда ташқи душманлари турганлигини ва уларга қарши зарба берилса, жиноятчиларни тутиб ўз халқига душманлик қилганлар тарихида жазага тортилаётганини таъкидлади.

Президент фармониға биноан Озарбайжон миллий хавфсизлик вазири Наримон Ибронов ўз вазифасидан озод этилди. Вазирнинг барча ваколати унинг биринчи ўринбосари Намик Аббосов зиммасига юклатилди.

"Труд" газетининг 26-сентябр сонидан

Ҳозирги замонда шаҳарлардан шаҳарларга, мамлакатлардан мамлакатлардан қатновчи йўловчилар шахсий юқининг бус-бутунлигини таъминлаш мураккаб муаммо бўлиб қолди. Бу муаммо ҳатто дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бўлмиш АҚШни ҳам четлаб ўтмаган экан. АҚШ Федерал қидирув бюроси мамлакат ҳаво дарвозаларида содир бўлаётган ўғирликлар ҳақида икки соатлик фильм суратга олди. Фильм журналистларга намоиш этилди.

пайтача мижозларини чўчишиб қўямаслик учун, йўловчилардан қўллаб шикоятлар тушиб турсада, бу ҳақда гап очинмасди. Йўловчиларни юки қўлига теккунча уларни самолётга юклаб, манзилга етган тушириб эгаларига етказувчи одамлар қўлига тушганда нималар рўй беришини биринчи бўлиб журналистларга кўрсатишга қарор қилган "Америка Эйрлайнз" компаниясига шон-шарафлар дейиш керак.

Видеокамеранинг кўзлари жамадон ва сумкалардан тажрибали қўллар қандай қилиб бир лаҳзада шахсий компьютерлар, фото ва видеокамералар, зебу-зийнатлар,

ҲАВО ДАРВОЗАЛАРИДАГИ ЎҒИРЛИК

Прокурор Роберт Чиснат кўрсатилган манзарани изохлаб шундай деди: Гап яккам-дуккам рўй бериб турадиган ҳодиса ҳақида бораётгани йўқ, бу, айниқса, тунги рейслар учун одатдаги ҳолатдир. Ўғирлик билан шуғулланаётган одамлар юқларни бир бошдан титиб кўриш учун етарли вақтга эга эди. Шунинг учун кўнгилсизликдан қутулишининг бирдан-бир йўли юқ ичига ҳеч қандай қимматбаҳо нарсага қўямасликдир".

ФКБнинг операцияни ўтказган ходимларига раҳбарлик қилган ва яширин камерада олинган манзарани кўрсатишга рухсат берган жаноб Чиснат бундай тушкун баёнот беришига ҳамма асос бор эди. Умуман олганда авиакомпаниядагилар шу

қимматбаҳо кийимларини илиб олаётганлигини ҳолисона муҳрлаган эди. Суратга тушириш жиноий гуруҳнинг иш услубини мукаммал ўрганиш учун атайин узоқ давом эттирилганди. Дарвоқе, ўғирлар уларга ФКБ агентлари томонидан атайин қўйилган "хўрак"ни ҳазм қилишди. "Рекордчи" эса кузатув давомида нақ 300 та жамадон ва сумкани титиб чиқишга улгурган 38 ёшли Хайрин Хендерсон исмли юқ ташувчи бўлди.

Қўлга тушган юқичлар 5 йилдан 10 йилгача "хизмат" олиши тайин. Бироқ, энг муҳими, прокурор таъкидлаганидек, бу бошқа ўғирлар учун ҳам дарс бўлмоғи керак. "Зарубежом" газетининг август сонидан

УНИВЕРСИТЕТ ШАКЛ-ШАМОЙИЛИ

Ричард Роуэн бундан 15 йил олдин Жорж штати маорифи депортаментиде рақобат лавозимларидан бирини эгаллаган эди. У ша пайтлардаёқ Олий таълимнинг истикболини ўйлаб қаттиқ таъшишга тушганди. Харажатлар тез ўсиб борар, таълим маҳҳумлашиб, давлатдан пул ажратишини эса тобора чекланаётганди.

Ушанда ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб 28 ёшли Ричард Саванн шаҳрида Санъат ва дизайн университетига асос солди. Дастлабки пайтда унда 71 студент ўқиди. Ҳозир у АҚШдаги энг тез ўсаётган ва ривожланаётган университет бўлиб, бу ерда 2500 студент таълим олмақда. Беш йилдан кейин уларнинг сони 5 мингга етди.

Университет 530 профессор ва ўқитувчиларни иш билан таъминлайди. Шаҳардаги бошқа бирор даргоҳ бу соҳада унга тенгшаса олмайдди. У шаҳарнинг интеллектуал, маданий ва иқтисодий ҳаётида энг фаол иштирок этувчи ташкилот ҳисобланади. Узининг ҳафталик газетасига эга.

Университетнинг 30-йиллардаги йўл вагон-емакхоналари молаштириб кўриб беватилган иккита ресторончаси бор. Улар автомобил қўналмаси енига ўрнатилган. Энг замонавий техника нусхалари билан жиҳозланган видеосанъат факултети "Си-эн-эн" ва бошқа бир катор телерадиокомпаниялар билан уларга ўз ускуна ҳамда аппаратларини 1996 йил Олимпиада ўйинларини еритиш учун бериб туриш ҳақида шартнома тузишди.

"Келажак университетлари тўла ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши керак", — дейди Роуэн. — Матълум ҳақ эвазига амалга оширилган ўқув, студентлар етоқхонаси, китоб дўкони ҳаммаси даромад келтириши лозим. Уқув учун тўлов куч етадиган миқдорда бўлиши керак. Биз бир йилга 9 минг доллар оламиз. Гарвард Университети эса бир сместрга шунча пул олишади". Дарвоқе, университет студентлари ҳар йили Италия, Франция, Великобританияга ўқишга борадилар.

"Биз келажак университети студентларга қалб истакларини рўебага чиқариш, келажак ишчи кучи бозориде қўл келадиган малака олиши учун имконият яратилиши лозим деб ҳисоблаймиз, — давом этади Роуэн. — Маданиятлар бир-бирини бойитиши учун Университетлар халқаро характерда бўлиши зарур. Зеро келажак тарраққети ва юқсалиш тарови шундадир. Ва ниҳоят сўнига қолида — биз ўз имкониятларимиздан фойдаланиш имконига эга бўлишимиз керак. Ўзгача ўз мемморларимиз мактабимиз, демак, ўз мемморларимиз бор. Ўз мебел дизайни ва маданий-

тарихий кадриятларни асраш факултетимиз, ҳатто ўз курилиш бригадамиз бор". Роуэннинг айтишича, университетнинг маҳаллий иқтисодга қўшадган ҳиссаси йилга 300 млн. долларга тенг бўлмоқда.

Панжара

КАЛАВАНИНГ УЧИ

"Субҳдан" акционерлик савдо ишлаб чиқариш жамиятига қаратилб дўконлардан бирининг 52 ешли сотувчиси — сенига ярашганлик қилиб қилиб қўйгани учун муздам бўлиб қолди. Довлар "инбилармон" харидоринг ҳақидан бор-ўғри 34 сўм 65 тийин "тўриб" қолман деб, ўзининг бошқа жиноятларини ҳам фож қилиб қўйди.

Ички ишлар ходимлари ушбу сотувчи дўкон омборари ашариб қўйган 400 шипа арқонга топилди.

ПАНЖАСИ ОҒЗИНИ ИЙРТИДИ

Шу йил сентябр ойида иллат мейва-салвот савнотига қаратилб қорхоналардан бирини тафтиш ўтказилди. Қорхонанинг бир қисми 30 ешли маъзул домининг бир йиллик иш фойлияти текширилганда бу домининг қабакчи хужжатлар билан 25 млн. 650 минг. Россия рубларини ўзлаштириб юборганини аниқланди.

Терговчилар томонидан бу "маъсул ходим"га беш шипа баравар оғизга ситмаслиги "тушунтирилмоқда".

"ПУЛДОР"НИНГ БИРГИНА ЧЎНТАГИДАН...

Шаҳарнинг Мустақиллик кўчасидаги савдо растаси енида пахлавон келтиб бир йилги қўлга тушди. "Келбаги" учун эмас албатта. У 200 америка пулини 4200 сўмга алмаштираётган ҳам эдики...

Унинг енидан яна 1795 АҚШ долларини, 270 Қозоннинг тангаси, 16800 Россия рубли ва 2102 сўм топилди.

ТОШГА ДОШ БЕРОЛМАДИ

Самарқанд шаҳридаги Сувайгарон кўчасида жойлашган "Юлдуз" кафеда талончиликка тутилган "азамат" ҳамма ишнини топ билан биттирди. Кафенинг ойинисини топ билан сипириб, ичкарига кирди. Сотувчининг ҳам топ билан кўриштиб унинг 400 сўм тулини "инкелб" оқди.

Шукур, зуравонинг томондан кўриб бор-шудини бергани сотувчи йилга миллияни ходимлари ердан бердилар. Улар жабрдиндиннинг нафақат алмонин, пулларини ҳам олиб беришди.

"ГАЛИБ ҚОЛИНГ..."

Снеб дехқон бозоридан Хоразмнинг Турдан туманидан келган ўрта яшир киши "ғалиб қолинг, турдан олма" деб савдо қилиб ўтравасибди, дег. Бир дам қарсаки, енидан 100 кило турч йўқ эмиш... Савдогаримиз "ўпқасини қўлтиқлаганича" Ички ишлар ходимларидан ердан суринга ошди.

Қўл ўтмай миллияни ходимлари томонидан 100 кило турчини ҳансраганча орқалаб кетганин олғир ушланди.

АРЗОННИНГ ИЛЛАТИ

Самарқанд шаҳар миллияни ходимлари айтиш туш маҳалда динлом савдонинг ушбулар чўчиб қолиди. Уларнинг кузатишларига қараганда динлом жуда арзон бохта сотилган. Олийбоннинг сохта дипломининг айтиш 1500 сўмга соттан 24 ешли йилнинг надоом кепитини "динлом хилиш пул бўладию, аммо ишнинг бусги юришмади"дир.

МЕҲМОННИ ХАФА ҚИЛГАН ХУЖЖАТ

Самарқанд тайёрақода Усурийский бир йилги қўлга тушди. Мазкур меҳмоннинг сумкасида сал кам 3 кило борадорди, бир дона "Калашников" автомоди, 300 АҚШ долларини ва 150 минг Россия рубли топилач, меҳмоннинг анида ахшлайб "сийлаш" учун уни тулдулданқайтаришга мажбур бўлдилар.

Меҳмон самарқандлик миллияни ходимлари уни меҳмонхонага эмас, балки бошқа жойга кузатиш учун хужжат тузиштиштиганини кўриб қаттиқ хафа бўлди.

Самарқанд шаҳар миллияни ходимлари томонидан "сиёғида" фож этилган мажбур жиноятлари Республика ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими Шухрат РЎЗИЕВ ва Самарқанд вилояти Ички ишлар бўлими матбуот суррих ходими Салоҳиддин Зоҳидовлар тайёраб беришди.



Х. САЙИДОВ сурати

- Эрталаб турсолиб нима қиласиз!
- Кийинман.
- Қандай эзасиз?
- Қўлда.
- Ижодни нимадан бошлагансиз?
- "А" ҳарфидан.
- Адабиетга қандай кириб келгансиз?
- Орқа эшикдан.
- Нимагаки, илк асарим газетанинг орқа бетига босилиб чиққан.
- Сиз кўпинча "кичик" — Қанақа одамларга ҳавас қиласиз?
- Езмайдиган одамларга.
- Еш ҳажвчиларга ниятпа-гиз?
- Тишларига қурт тушмасин.
- Ҳажвчи езувчилар томорқасига кўпроқ гармдори экадими?
- Сабзи ҳам экади.
- "Эру хотин кўш хўкиз" деганда нимани тушунасиз?
- Бош рўзгор тебратувчиларни.

КУЛГИПРЕСС

КУЛГИПАЗ УСТА КЎПАЛ БИЛАН СУҲБАТ

- нарсалар эзасиз...
- Кичик нарсалар ҳам бир куп келиб катта бўлади.
- Езувчи учун талант ҳамиша биринчи ўринда туради, шундайми?
- Йўқ, иккинчи ўринда туради. Биринчи ўринда қороз туради.
- Нималарни устидан куласиз?
- Бўйим етган нарсаларнинг устидан.
- Ушталмаган армонлиғиз?
- Радиога расмим билан чиқиш.
- Нима учун кулагилар?
- Йилгиласлик учун.
- Езишга нима туртки булган?
- Чўнтакнинг тешиги.
- Қанақа пайтда эзасиз?
- Езим келган пайтда.
- Нимани эмоқ кўрасиз?
- Беҳуда чиранишни.
- Нимани яхши кўрасиз?
- Барча яхши нарсаларни.
- Бировни соғиниб яшайсизми?
- Ҳа, Бухорони!
- Яна қанақа савол беришни кутган эдингиз?
- Езувчиларда ҳам қорин борми?
- Илҳом ЗОИР суҳбатлашди

БИР БОҶИШДА МУҲАББАТ

(Севги достони)

Уни узокдан кўрдию, бутун вуждуи жимирлаб кетди. Қаеридир "жиз" этиб кетди. Юрагим эки жигарили буни билолмади. Безовталанди. Лаблари беҳтиёр пичиради. "Наҳотки?" деди. Кўзларига иномлади. Янада яқинроқ борди. "Хайрият!" деди энтикиб. Узда йўқ хурсанд бўлиб кетди. Унга яқинлашар экан, қадажлари янада майдалашди. О! — деди танаси ешиб. Унга қўл чўзишдан аввал ўнг томонга, сўнг чап томонга ҳадиксираб қаради. Ва ниҳоят, уни ердан кўтариб олар экан, чуқур бир орзакчи билан санай бошлади.

ФАЛСАФА

(дарслик)

Аслини олганда хизмат кўрсатиш иккинчи ўринда, биринчи ўринда эса маош туради.

ТЕГИРМОНДАН БУТУН ЧИҚҚАН ГАПЛАР

1. Телефонда бақирмасдан, олдимга келиб бақиринг!
2. Кўринмас одамни бу ерда бошқа кўрмай!
3. Тил билан мияни қоқиб қўлга бериш мумкин.
4. Қанча пулинг борлигини менга айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтиб берман.
5. Офтоб чиқмаса мушук касодга

- учрайди.
6. Мабодо чўкиб кетсанг, ўлдираман!
7. Одамга ўхшаб гапирсанг, ийртқич ҳам тушунади.
8. Тақа қачонки отнинг устида бўлса бахт келтиради.
9. Қани, ўз ўрнида бўлмаганлар қўлини кўтарсин-чи.
10. Соқолни бир кун олмасангиз ўсади, олсангиз янаям тез ўсади.

АҚДАН...

1. Ниманинг бетини силаб, орқасига тупурадилар?
2. Биллиард шарини ютса бўладими?
3. Одам қачон ўзига ишонмай қолади?
4. Соч дорисининг фойдаси кимга кўпроқ тегади?
5. Шам билан электр чирогининг фарқи нимада?
6. Одамни ким ҳимоя қилади?
7. Энг оғир меҳнат?
8. Кимнинг чўнтаги тез тешилади?

1. Почта маркасини.
2. Ютса бўладию, лекин канализация қувурига тиқилиб қолади-да.
3. Алданганидан кейин.
4. Сартарошга.
5. Бирини пул тўлаб ёқасиз, бирини ёқиб сўнг пул тўлайсиз.
6. Адвокат.
7. Қарзни қайтариб олиш.
8. Кўп харж одамни.

Уста КЎПАЛ

БАҚДАН...

ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

УЧАР ГИЛАМ

"Мовий само" тижорат дўконига учар гилам сотилмоқда. Ҳайрон бўлманг, ҳақиқатан ҳам учар гилам сотилмоқда. Гиламнинг ўзи гиламга ўхшайди, аммо, лекин баҳоси самолётнинг баҳосига тенг. Дўконга марҳамат!

Дўкон маъмурияти


ГАРОЙИБ ОПЕРАЦИЯ

Шаҳримизнинг марказий касалхоналаридан бирида тажриба сифатида сотувчи Чўздиевнинг жигилдонини операция қилиш йўли билан бутунлай олиб ташланди. Операция муваффақиятли чиқди. Бемор ўзини яхши ҳис қилмоқда. Вақти-вақти билан ҳолидан хабар олиб турган ҳамшираларга "Қайтимингизни олинг" деб хархаша қилиб турибди, холос. Дўхтирларнинг хулосасига кўра, бу тажрибани омаллаштириш керак экан.

ЯНГИ КАСАЛХОНА

Нозанин мавзесидаги қурилиши битмаган касалхона фойдаланишга топширилди. Шундай бўлишига қарамай, касалхонага беморлар қабул қилинмоқда. Бинони топшириш пайтида бошига ёширт тушиб кетган комиссия раиси Юмамоқ Ёстиқов биринчи бемор сифатида касалхона журналига қайд этилди.

МУШТУМ



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБЎЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕННАЗАР, Дадахон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИИД [бош муҳаррир ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОКУЛОВ.

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси.

Газетанинг ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳририят йилган хатларга эзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият"дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 5-бино, 3-қават

Телефон: 39-43-95

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш №33

Буюртма №1-1159. 18634 нусхада chop этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5